

А.Э.Кобилов  
Қарши давлат университети

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ

Ушбу мақолада ҳудудларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш бўйича муаллифлик методикаси тавсия этилган бўлиб, ушбу методика орқали ҳудудларга хорижий инвестициялар жалб қилинувчанлигини ошириш ва ҳудудларнинг барча имкониятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболли инвестицион лойиҳаларни жойлаштириш имконини беради.

**Таянч сўз ва иборалар:** инвестициялар, потенциал, инвестицион фаоллик, баҳолаш

### ОЦЕНКА ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

В данной статье предложена авторская методика оценки инвестиционного потенциала регионов, которая позволит повысить привлекательность иностранных инвестиций в регионы и размещение перспективных инвестиционных проектов с учетом всех возможностей регионов.

**Ключевые слова:** инвестиции, потенциал, инвестиционная активность, оценка

### ASSESSMENT OF INVESTMENT POTENTIAL OF THE KASHKADARYA REGION

This article proposes the author's methodology for assessing the investment potential of the regions, which will increase the attractiveness of foreign investment in the regions and the placement of promising investment projects, taking into account all the possibilities of the regions.

**Keywords:** investment, potential, investment activity, assessment

### КИРИШ

Минтақаларнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг гарови сифатида самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестициялар ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш муҳим вазифалардан бири бўлиб, унинг ечими минтақадаги инвестиция жараёнлари ва бошқарув қарорларини қабул қилишни белгилайди.

Мамлакатнинг ҳар бир ҳудуди ўзининг, табиий, меҳнат, молиявий ва бошқа ресурслари, шунингдек, маҳаллий бошқарув органлари томонидан хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлари билан кескин

фарқланади. Шунинг учун, минтақалар орасидаги фарқларни баҳолаш ва солишириш бўйича илмий манбаларда кенг тарқалган **худудларнинг инвестицион потенциали** кўрсаткичидан фойдаланилади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Худудларда инвестиция жараёнларининг ривожланиши қўп жиҳатдан инвестиция потенциалининг ҳолати билан белгиланади, ундан самарали фойдаланиш келажакда минтақа иқтисодиётига кириб келаётган инвестиция ресурслари хажмининг кўпайишига олиб келади. Зоро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда: “... мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларни модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини фаол жалб этиш зарур. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши қўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатдорлиги ва энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилишини, ўйлайманки, тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ” [1].

Илмий манбаларда худудларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш бўйича турлича услубий ёндашувлар, илмий қарашлар мавжуд. Ўзбекистон иқтисодиёти минтақалардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этганлиги сабабли, унинг ҳар бир минтақаси ривожланишини таъминлаш мамлакатнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакат минтақалари ва худудларини барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш учун хорижий ҳамда ички инвестицияларни жалб этиш учун уларни нисбий афзалликларни баҳолаш ушбу тадқиқотнинг муҳим методологик жиҳати ҳисобланади.

Иқтисодчи олим Е. Абрамов ўз тадқиқотларида худудларнинг инвестицион жозибадорлик даражасини ҳисоблашда, иқтисодиёт ва инфратузилмаларнинг ривожланиш даражасини, молиявий ресурслар билан таъминланганлик, демографик вазият, бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда инвестицион фаолиятнинг хавфсизлиги даражаларини ўз ичига олувчи кўрсаткичларидан фойдаланишини тавсия этади [2].

Россия иқтисодчи олимлари С.Зенченко ва М. Шемёткин томонидан худудларнинг инвестицион потенциалини 7 та груп омил (хом-ашё заҳиралари, ишлаб чиқариш салоҳияти, истеъмол салоҳияти, инфратузилма салоҳияти, интеллектуал салоҳият, институционал салоҳият, инновацион салоҳият) лари асосида баҳолаш тавсия этилган [3].

Иқтисодчи олимлар Березнов, Шевелева, Начевалар томонидан худудларнинг инвестицион потенциалини 6 та груп омиллари (табиий-ресурслар, ишлаб чиқариш, молиявий, инфраструктура, инновацион, ижтимоий) асосида баҳолаш бўйича илмий хулосалар берилган [4].

Иқтисодчи олим Г.Харламова томонидан Украина минтақаларининг инвестиция жозибадорлиги –инвестиция потенциали, инвестиция хатар

(риск)лари ва аввалги инвестицион фаолият тажрибаси омилларининг бир қатор кўрсаткичлари орқали таҳлил қилинган [5].

Иқтисодчи олим Ш.Мустафақулов фикрича, ҳудудларнинг инвестицион потенциалини 9 та гурӯҳ омил (табиий ресурс салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, инновацион салоҳияти, меҳнат салоҳияти, молиявий салоҳият, институционал салоҳият, инфратузилма салоҳияти, истеъмол салоҳияти, туристик салоҳияти) ларга бўлган ҳолда талқин қилиш мумкин [6]. Инвестицион салоҳиятни белгилаб берувчи омиллар иқтисодчи олим Б.Валиев томонидан 10 та гурӯҳ (ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестицион фаоллик, меҳнат салоҳияти, истеъмол салоҳияти, табиий-ресурслар салоҳияти, инсратузилма салоҳияти, институционал, экспорт, инновацион, илмий-таълим салоҳияти)га бўлиб ўрганилган ва ушбу омиллар асосида Ўзбекистон ҳудудларининг 2014 йилдаги инвестицион салоҳияти баҳоланган [7]. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, инвестицион салоҳият даражасига мос равишда Республика ҳудудлари 3 та гурӯҳ (юқори, ўрта, қўйи даража) га бўлинган ҳамда Қашқадарё вилояти 2- гурӯҳ (ўрта даража) дан ўрин олган.

Ж.Брунеккиене ва бошқ. тадқиқотларида мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда мутлақо янгича ёндашувни таклиф этган. Хусусан, Европа мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлиги сунъий интеллект (нейрон тармоқлар) томонидан 58 та кўрсаткич ва 2000-201 йиллардаги 31958 та кузатувларни ўз ичига олган ҳолда баҳоланган [8].

Иқтисодчи олим И. Пугач томонидан минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда рейтинг баҳолари асосида ёндашилган [9]. Ушбу методология бўйича минтақаларнинг инвестицион жозибадорлиги рейтинги 4 та гурӯҳга бўлинган хусусий рейтинклар йифиндисидан ташкил топади, ўз навбатида улар 25 та кўрсаткич асосида ҳисобланади. Гурӯхларга кирган инвестицион жозибадорликни тавсифловчи кўрсаткичлар нисбатининг қиймати хусусий рейтинг баллари сонини кўрсатади. Агар ҳудуд бирор-бир кўрсаткич бўйича энг катта – 14 баллга (масалан, Ўзбекистоннинг 14 ҳудуди бўйича) эга бўлса, унга 1-ўрин, 13 балл олса 2-ўрин берилади. Умумий ҳолда баллар сони  $14-(n-1)$  формула ёрдамида аниқланган. Бу ерда  $n$  - аниқ битта кўрсаткич бўйича ҳудуднинг эгаллаган ўрни.

Иқтисодчи олимлар Б.Беркинов ва К.Хасановлар томонидан И.Пугач таклиф этган методология асосида 2001-2012 йиллар учун Республика ҳудудларининг инвестицион жозибадорлиги 4 та мезон (ишлаб чиқариш унумдорлиги, тадбиркорлик ривожланиши, аҳоли даромадлари ва харажатлари ташки иқтисодий фаоллик) асосида рейтинг усулида баҳоланган [10]. Ушбу тадқиқот асосида аниқланган рейтинг натижаларига кўра, 2001 йилда Қашқадарё вилояти Республика ҳудудлари орасида 9-ўринни, 2012 йилда Фарғона вилояти билан 7-8 ўринларда қайд этилган.


Иқтисодчи олим Ш.Назаров томонидан худудларнинг асосий кўрсаткичлари, худуднинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва уни ошириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилинган [11].

Худудларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш бўйича олиб тадқиқотлар ва мавжуд хулоса ҳамда таклифлар, асосан вилоятлар даражасида чекланиб қолган. Амалда вилоятларнинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари туман (шаҳар)ларда эришилган пировард натижалар ҳисобидан шаклланади. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, худудларнинг инвестицион салоҳиятидан рационал фойдаланиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар)ларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш талаб этилади.

Аввалги тадқиқотларимизда, Қашқадарё вилоятида хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар ва вилоятда хорижий инвестицияларнинг устувор йўналишларини баҳолашда кўп мезонли қарор қабул қилиш модели ишлаб чиқилган бўлса, ушбу тадқиқот орқали Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инвестицион потенциали баҳоланган [12], [13], [14].

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Худудларнинг инвестицион салоҳияти бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар синтези асосида туман (шаҳар)ларда юрилаётган статистик кўрсаткичларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инвестицион потенциали аниқлаш 8 та гурӯҳ омиллар ва 29 та кўрсаткичларни баҳолаш асосида ташкил этилди (1-РАСМ). Танланган 28 та кўрсаткичнинг статистик усуллар ёрдамида баҳолангандиги чиқарилган хулосаларнинг объективлигини таъминлаб беради.



1-РАСМ. Худудларнинг инвестицион потенциали мезонлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Худудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади.

1-босқичда инвестиция потенциалини характерловчи омиллар хусусий кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби амалга оширилади. Айрим хусусий кўрсаткичлардан Қашқадарё вилоятининг статистик бошқармаси маълумотлари асосида тўғридан-тўғри фойдаланилса, бир қатор кўрсаткичларни тегишли формулалар асосида ҳисоблаш талаб этилади (1-жадвал).

### **1-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шахар)лари инвестицион потенциалини аниқлаш бўйича кўрсаткичлар таркиби<sup>2</sup>**

Мезонлар	Асосий кўрсаткичлар	Аниқлаш услубиёти
Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали	Жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ( $K_1$ )	Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.
	Жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари ишлаб чиқариш ( $K_2$ )	
	Жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ( $K_3$ )	
	Жон бошига тўғри келадиган қурилиш пурдат ишлари ( $K_4$ )	
	Жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми ( $K_5$ )	
Инвестицион фаоллик потенциали	Туман (шахар)даги хорижий корхоналар сонининг вилоятдаги хорижий корхоналардаги сонидаги улуши ( $K_6$ )	$K_6 = \frac{ХК_x}{ХК_b} * 100;$ Бу ерда ХК <sub>x</sub> –туман (шахар)да фаолият кўрсатаётган хорижий корхоналар сони; ХК <sub>b</sub> –вилоятда фаолият кўрсатаётган жами хорижий корхоналар сони
	Туман (шахар)нинг вилоят асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши ( $K_7$ )	Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилди.
	Жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар ( $K_8$ )	
Молиявий потенциал	Худуднинг вилоят жами ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардаги улуши ( $K_9$ )	$K_9 = \frac{ТТХИ_x}{ТТХИ_b} * 100;$ ТТХИ <sub>x</sub> –жорий йилда туман (шахар)да ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ТТХИ <sub>b</sub> –жорий йилда вилоятда ўзлаштирилган хорижий инвестиция
	Жон бошига тўғри келадиган бюджет даромадлари ( $K_{10}$ )	$K_{11} = \frac{Д}{АС},$ бу ерда Д-худуднинг бюджет даромади; АС –аҳоли сони

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Ташқи иқтисодий фаоллик потенциали	Жон бошига тўғри келадиган бюджет даромадлари ( $K_{11}$ )	$K_{11} = \frac{X}{AC}$ , бу ерда Д-худуднинг бюджет харажатлари; AC –аҳоли сони
	Ҳар 100, 0 минг кишига тўғри келадиган тижорат банклари сони ( $K_{12}$ )	$K_{12} = \frac{\text{ТБ}}{\frac{AC}{100000}}$ ; бу ерда ТБ –худуддаги тижорат банклари филиаллари сони;
	Туман (шахар)нинг вилоят экспортидаги улуши кўрсаткичи ( $K_{13}$ )	$K_{13} = \frac{\mathcal{EKC}_x}{\mathcal{EKC}_b} * 100$ ; Бу ерда $\mathcal{EKC}_x$ –жорий йилда туман (шахар)да амалга оширилга экспорт ҳажми; $\mathcal{EKC}_b$ –жорий йилда вилоят бўйича жами амалга оширилган экспорт ҳажми;
	Туман (шахар)нинг вилоят импортидаги улуши ( $K_{14}$ )	$K_{14} = \frac{\text{ИМП}_x}{\text{ИМП}_b} * 100$ ; Бу ерда ИМП <sub>x</sub> –жорий йилда туман (шахар)да амалга оширилга импорт ҳажми; ИМП <sub>b</sub> –жорий йилда вилоят бўйича жами амалга оширилган импорт ҳажми;
	Жон бошига тўғри келадиган экспорт кўрсаткичи (( $K_{15}$ ))	$K_{15} = \frac{\mathcal{EKC}_x}{AC}$ ;
	Жон бошига тўғри келадиган импорт кўрсаткичи ( $K_{16}$ )	$K_{16} = \frac{\text{ИМП}_x}{AC}$ ;
Тадбиркорлик фаоллиги потенциали	Ҳар минг кишига тўғри келадиган кичик бизнес субъектлари сони ( $K_{17}$ )	$K_{17} = \frac{\text{КБС}_x}{\frac{AC}{1000}}$ ; Бу ерда, КБС <sub>x</sub> –худуддаги кичик бизнес субъектлари сони;
	Аҳоли жон бошига кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми ( $K_{18}$ )	$K_{18} = \frac{\text{СМХ}_{кбс}}{AC}$ бу ерда, СМХ <sub>кбс</sub> –кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми
	Аҳоли жон бошига кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми ( $K_{19}$ )	$K_{19} = \frac{\text{ҚХХ}_{кбс}}{AC}$ бу ерда, ҚХХ <sub>кбс</sub> –кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми
	Аҳоли жон бошига кичик бизнес субъектлари томонидан кўрсатилган хизмат кўрсатиш ҳажми ( $K_{20}$ )	$K_{20} = \frac{\text{ХХХ}_{кбс}}{AC}$ бу ерда, ХХХ <sub>кбс</sub> –кичик бизнес субъектлари

		томонидан кўрсатилган хизмат кўрсатиш ҳажми
Мехнат ресурслари потенциали	Жами меҳнат ресурслари таркибида банд бўлганлар улуши ( $K_{21}$ )	$K_{21} = \frac{\text{БАС}_x}{\text{МРС}_x} * 100;$ Бу ерда, $\text{БАС}_x$ -худуддаги жами банд аҳоли сони; $\text{МРС}_x$ –худуддаги жами меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
	Жами аҳоли сонида меҳнат ресурсларининг улуши ( $K_{22}$ )	$K_{22} = \frac{\text{МРС}_x}{\text{АС}} * 100$
Инфраструктура потенциали	Худуднинг боғланганлик даражаси ( $K_{23}$ )	$K_{23} = \frac{\text{АЙ} + \text{ТЙ}}{k_3};$ бу ерда АЙ-худуддаги автомобил йўлларининг узунлиги (ички йўллардан ташқари) ТЙ –худуддаги темир йўлининг узунлиги; $k_3$ –Энгел. коэффициенти
	Худуднинг газ тармоғи билан таъминланган даражаси ( $K_{24}$ )	$K_{24} = \frac{\text{ГазТ}}{k_3};$ бу ерда ГазТ –худуддаги газ тармоғининг узунлиги;
	Худуднинг ичимлик билан таъминланган таъминланган даражаси ( $K_{25}$ )	$K_{25} = \frac{\text{СувТ}}{k_3};$ бу ерда СувТ –худуддаги сув тармоғини узунлиги
	Худуднинг оқова сув тизими билан таъминланган даражаси ( $K_{26}$ )	$K_{26} = \frac{\text{КанТ}}{k_3};$ бу ерда КанТ –худуддаги канализация тармоғининг узунлиги;
Табиий-географик потенциал	Худуд марказидан ташқи савдо учун энг яқин денигиз портигача бўлган масофа ( $K_{27}$ )	$K_{27} \in [0; 1]$ –балли баҳо; Эксперт баҳолаш усули ёрдамида аниқланади
	Худуднинг минерал хом-ашё заҳиралари билан таъминланган даражаси (углеводород ресурсларидан ташқари) $K_{28}$	$K_{28} = \frac{\text{МХЗ}}{k_3};$ бу ерда –МХЗ – минерал хом-ашё заҳиралари, минг тонна
	Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер ресурслари билан таъминланганлик даражаси $K_{29}$	$K_{29} = \frac{\text{ЕР}_{k/x}}{\text{ЕР}} * 100;$ бу ерда $-\text{ЕР}_{k/x}$ –к/х учун фойдаланилаган ер майдони; ЕР –жами ер ресурслари;

Худудларнинг майдон жиҳатидан катталиги ва аҳоли сонининг таъсирини камайтириш мақсадида бир катор кўрсаткичларни ҳисоблашда Энгель

коэффициентидан фойдаланилади ва ушюу коэффициент қуйидаги формула орқали ҳисобланади [15]:

$$K_3 = \sqrt{X_M * AC} \quad (1)$$

бу ерда  $-X_M$ -туман (шахар)нинг ҳудуди, минг кв.км;  
AC –аҳоли сони, минг киши.

2-босқичда Қашқадарё вилоятининг ҳар бир ҳудуди бўйича тегишли мезонлар таркибидаги хусусий кўрсаткичларнинг ўзаро солишириш (2) формула асосида ҳисобланди.

$$X_{ij} = \frac{X_{ij} - X_{\min i}}{X_{\max i} - X_{\min i}}, \quad (2)$$

бу ерда,  $X_{ij}$  –  $j$  – туман (шахар)нинг  $i$  кўрсаткичи;

$X_{\min i}$  –  $i$  – кўрсаткичининг кузатилган минимал қиймати;

$X_{\max i}$  –  $i$  – кўрсаткичининг кузатилган максимал қиймати;

3-босқичда ҳар бир ҳудуд тегишли кўрсаткичларнинг интеграл қийматлари асосида (3) формула ёрдамида танланган мезонларнинг йифинди қиймати ҳисобланди ва (2) формуладан фойдаланган ҳолда ҳар бир мезон бўйича ҳудуднинг якуний интеграл баҳоси чиқарилди.

$$S_j = \sum_{i=1}^n X_{ij} * K_y \quad (3)$$

бу ерда,  $S_j$  – танланган мезон бўйича ҳудуднинг якуний интеграл баҳоси;

$X_j$  – ҳудуднинг  $j$ -кўрсаткичининг коэффициенти;

$n$  – танланган мезонга тегишли кўрсаткичлар сони;

$K_y$  – тегишли кўрсаткичларнинг танланган мезондаги вазн қиймати.

Инвестицион потенциални ҳарактерловчи 7 та мезон таркибидаги кўрсаткичларнинг вазн қиймати барча кўрсаткичлар учун тенг қийматда  $K_y = \frac{1}{n}$  тартибда берилган бўлса, ҳудудларнинг табиий-географик потенциалини баҳолашда 3 та кўрсаткич учун 0.1:0.6:0.3 коэффициентлари қўлланилди. Ҳар бир мезон бўйича туман (шахар)ларнинг интеграл баҳо кўрсаткичларига асосан, туман (шахар)лар 3 –гурухга ажратилди ва бунда баҳо кўрсаткичлари энг юқори бўлган 5 та туман (шахар) танланган мезон бўйича “юқори потенциалли”, баҳо кўрсаткичлари бўйича 6-10 ўринларда қайд этилган туман (шахар)лар танланган мезон бўйича “ўрта потенциалли” ва энг қуи натижаларни қайд этган 5 та ҳудуд “қуи потенциалли” гурух таркибиға киритилди.

4-босқичда, барча туман (шахар)ларнинг инвестицион потенциалининг якуний қийматлари (4) формула ёрдамида ҳисобланди ва ушбу қийматларга асосан вилоятнинг туман (шахар)лари танланган барча мезонлар бўйича гурухларга ажратилди.

$$I_j = \sum_{i=1}^n S_j * K_y \quad (4)$$

бу ерда,  $I_j$  – инвестицион потенциал бўйича  $j$ -ҳудуднинг якуний баҳоси;

$S_j$  – танланган мезон бўйича ҳудуднинг якуний интеграл баҳоси;

*K<sub>y</sub>* –тегишли мезоннинг инвестицион потенциалдаги вазн қиймати.

Танланган омилларнинг Қашқадарё вилояти худудларининг инвестицион потенциалидаги вазн қиймати эксперт баҳолаш усулида аниқланди ва ҳар бир мезон бўйича қўйидаги коэффициентлар кўлланилди:

- инвестицион фаоллик потенциали -20%;
- иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали -15%;
- табиий-географик потенциали -15%;
- инфраструктура потенциали -15%
- мехнат ресурслари потенциали -9%;
- тадбиркорлик фаоллиги потенциали - 9%;
- ташқи иқтисодий фаоллик потенциали -9%
- молиявий потенциал -8%;

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Танланган 8 та гуруҳ омиллари ва 29 та кўрсаткичлар бўйича Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг интеграл қийматлари асосида формула ёрдамида танланган мезонларнинг йиғинди қиймати ҳисобланди ва ҳар бир мезон бўйича худуднинг яқуний интеграл баҳоси чиқарилди (2-10 жадваллар).

Қашқадарё вилояти худудларининг **иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали** 5 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу мезон бўйича Муборак, Қарши шаҳри, Миришкор, Нишон, Ғузор туманлари “юқори потенциал”га эга худудлар таркибига кирган бўлса, Қамаши, Яккабоғ, Чироқчи, Дехқонобод туманлари ва Шахрисабз шаҳри “қуи потенциалли” худудлар сифатида қайд этилди (11-жадвал).

**Инвестицион фаоллик потенциали** таркибидаги 4 та кўрсаткич асосида Нишон, Қарши шаҳри, Касби, Китоб, Муборак туманлари “юқори потенциал”га, Қамаши, Яккабоғ, Шахрисабз, Чироқчи туманлари ва Шахрисабз шаҳрининг “қуи потенциал”га эга эканлиги кузатилди.

Муборак, Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари, Дехқонобод, Ғузор туманлари иирик ва кўп сонли солиқ тўловчи субъектларга эга эганлиги билан **моливий потенциал** бўйича вилоят худудлари орасида етакчи бўлиб турган бўлса, Касби, Китоб, Чироқчи, Қамаши, Қарши туманларининг ушбу омил бўйича паст кўрсаткичлари кузатилган.

**Ташқи –иқтисодий фаоллик** омили бўйича таҳлил қилинган 4 та кўрсаткичлар натижалари бўйича, Қарши шаҳри, Қарши, Муборак, Касби, Ғузор туманларининг юқори потенциалга эга эканлиги кузатилган бўлса, Косон, Яккабоғ, Нишон, Шахрисабз, Қамаши туманлари “қуи потенциал”ли худудлар қаторига кирган.

Қарши шаҳри, Муборак, Миришкор, Нишон туманлари ва Шахрисабз шаҳрининг **тадбиркорлик фаоллиги** бўйича вилоят худудлари орасида имкониятларининг юқорилиги, Касби, Ғузор, Яккабоғ, Қамаши, Чироқчи туманларининг кўрсаткичлари анча пастлиги кузатилган.

**Мехнат ресурслари потенциали** бўйича Миришкор, Муборак, Қарши шаҳри, Яккабоғ, Дехқонобод туманлари “юқори потенциал”га эга бўлса, Косон тумани, Шахрисабз тумани ва шаҳри, Чироқчи, Касби туманлари “қўйи потенциал”га эга.

**Худудларнинг инфраструктура потенциали** 4 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилинганда, Қарши шаҳри ва тумани, Касби, Яккабоғ туманлари ва Шахрисабз шаҳридаги инфратузилма объектларининг даражаси вилоят худудлари орасида яхшилиги, Косон, Чироқчи, Китоб, Гузор, Дехқонобод туманларидаги инфратузилма объектлари даражасининг пастлиги аниqlанди.

**2-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциалини баҳолаш натижалари<sup>3</sup>**

<b>Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали</b>							
Туман (шаҳар)лар	Жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми	Жон бошига тўғри келадиган истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	Жон бошига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Жон бошига тўғри келадиган қурилиш пурдат ишлари	Жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми	Ўртacha баҳо (0,2 * (2 + 3 + 4 + 5 + 6 қаторлар))	Якуний баҳо кўрсаткичи
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>
Ғузор	0,2868	0,0111	0,5202	0,0800	0,0447	0,1638	0,2015
Дехқонобод	0,0395	0,0000	0,5165	0,0907	0,0313	0,1113	0,0408
Қамаши	0,0038	0,0679	0,5917	0,0000	0,0150	0,1327	0,1063
Қарши	0,0311	0,0994	0,6418	0,2692	0,0403	0,1549	0,1743
Косон	0,0200	0,1807	0,6138	0,2714	0,0513	0,1634	0,2006
Китоб	0,0087	0,1260	0,5629	0,1644	0,0444	0,1398	0,1281
Миришкор	0,0214	0,0752	1,0000	0,1539	0,0586	0,2197	0,3729
Муборак	1,0000	0,1449	0,9595	0,5240	0,1634	0,4243	1,0000
Нишон	0,2011	0,0476	0,6815	0,0498	0,0734	0,1862	0,2703
Касби	0,0031	0,0318	0,7084	0,0800	0,0092	0,1487	0,1554
Чироқчи	0,0000	0,0339	0,5248	0,0683	0,0000	0,1117	0,0421
Шахрисабз т	0,0108	0,2443	0,5317	0,0344	0,0532	0,1574	0,1821
Яккабоғ	0,0078	0,1629	0,4526	0,1340	0,0390	0,1249	0,0824
Қарши ш	0,1181	1,0000	0,0000	1,0000	1,0000	0,2636	0,5076
Шахрисабз ш	0,0331	0,3788	0,0747	0,3069	0,0604	0,0980	0,000

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

**3-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инвестицион фаоллик потенциалини баҳолаш натижалари<sup>4</sup>**

Инвестицион фаоллик потенциали						
Туман (шаҳар)лар	Туман (шаҳар)даги хорижий корхоналар сонининг вилоятдаги хорижий корхоналардаги сонидаги улуши	Туман (шаҳар)нинг вилоят асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши	Жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга киритилган инвестициялар	Худуднинг вилоят жами ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардаги улуши	Ўртча баҳо (0.25 * (2 + 3 + 4 + 5 қаторлар))	Якуний баҳо кўрсаткичи
1	2	3	4	5	6	7
Ғузор	0,1350	0,1479	0,1124	0,05310	0,1121	0,1850
Дехқонобод	0,1350	0,0405	0,0460	0,00783	0,0573	0,0837
Қамаши	0,1735	0,0053	0,0029	0,02836	0,0525	0,0748
Қарши	0,2696	0,0475	0,0294	0,10757	0,1135	0,1876
Косон	0,1927	0,0088	0,0045	0,00450	0,0526	0,0751
Китоб	0,2119	0,0246	0,0144	0,26150	0,1281	0,2146
Миришкор	0,0000	0,0123	0,0238	0,18581	0,0555	0,0803
Муборак	0,0581	0,1373	0,2509	0,03697	0,1208	0,2011
Нишон	0,2119	1,0000	1,0000	0,00000	0,5530	1,0000
Касби	0,0388	0,0264	0,0232	1,00000	0,2721	0,4808
Чироқчи	0,0581	0,0053	0,0000	0,01965	0,0208	0,0161
Шахрисабз	0,0196	0,0070	0,0055	0,07404	0,0266	0,0269
Яккабоғ	0,1350	0,0141	0,0086	0,01365	0,0428	0,0570
Қарши шаҳри	1,0004	0,1232	0,0678	0,06371	0,3138	0,5578
Шахрисабз ш	0,0388	0,0000	0,0051	0,00418	0,0120	0,0000

<sup>4</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

**4-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шахар)ларининг молиявий потенциалини баҳолаш натижалари<sup>5</sup>**

Молиявий потенциал					
Туман (шахар)лар	Жон бошига тўғри келадиган бюджет даромадлари	Жон бошига тўғри келадиган бюджет харажатлари	100,0 минг кишига тўғри келадиган ТБ сони	Ўртacha баҳо (0.33 * (2 + 3 + 4 қаторлар))	Якуний баҳо кўрсатки чи
1	2	3	4	5	6
Ғузор	0,3475	0,6496	0,01514	0,3374	0,6041
Дехқонобод	0,0174	1,0000	0,03172	0,3497	0,6265
Қамаши	0,0009	0,0238	0,00000	0,0082	0,0052
Қарши т	0,0158	0,0000	0,00047	0,0054	0,0000
Косон	0,0189	0,1972	0,11435	0,1102	0,1906
Китоб	0,0030	0,2070	0,06299	0,0910	0,1558
Миришкор	0,0552	0,5443	0,17645	0,2586	0,4609
Муборак	1,0000	0,4777	0,18702	0,5549	1,000
Нишон	0,0791	0,4273	0,10793	0,2048	0,3628
Касби	0,0106	0,2374	0,03711	0,0950	0,1631
Чироқчи	0,0000	0,1333	0,03677	0,0567	0,0934
Шахрисабз т	0,0120	0,2725	0,00230	0,0956	0,1641
Яккабоғ	0,0091	0,2652	0,05148	0,1086	0,1877
Қарши ш	0,1625	0,4092	1,00000	0,5238	0,9435
Шахрисабз ш.	0,0351	0,3254	0,71550	0,3586	0,6429

**5-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шахар)ларининг ташқи иқтисодий фаоллик потенциалини баҳолаш натижалари<sup>6</sup>**

Ташқи иқтисодий фаоллик потенциали						
Туман (шахар)лар	Худуднинг вилоят экспортидаги улуши	Худуднинг вилоят импортидаги улуши	Жон бошига тўғри келадиган экспорт хажми	Жон бошига тўғри келадиган импорт хажми	Ўртacha баҳо	Якуний баҳо кўрсатки чи
1	2	3	4	5	6	7
Ғузор	0,5298	0,1999	0,7202	0,12181	0,3930	0,4487
Дехқонобод	0,2879	0,1406	0,5501	0,12873	0,2768	0,3062
Қамаши	0,0233	0,0504	0,0174	0,01832	0,0274	0,0000
Қарши т	0,4968	0,8644	0,5513	0,42295	0,5839	0,6830
Косон	0,1178	0,0456	0,1075	0,01421	0,0713	0,0539
Китоб	0,2014	0,0921	0,2054	0,03866	0,1344	0,1314
Миришкор	0,0314	0,1521	0,0876	0,17608	0,1118	0,1036
Муборак	0,0880	0,6840	0,3108	1,00000	0,5207	0,6055

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Нишон	0,0375	0,0531	0,0747	0,05347	0,0547	0,0335
Касби	0,0000	1,0000	0,0000	0,62480	0,4062	0,4650
Чироқчи	0,1884	0,0995	0,1151	0,01848	0,1054	0,0957
Шахрисабз т	0,0687	0,0000	0,0830	0,00000	0,0379	0,0129
Яккабоғ	0,1026	0,0362	0,1020	0,01293	0,0634	0,0442
Қарши ш	1,0000	0,9519	1,0000	0,41664	0,8421	1,0000
Шахрисабз ш	0,0501	0,2149	0,1090	0,20200	0,1440	0,1431

**6-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг тадбиркорлик фаоллиги потенциалини баҳолаш натижалари<sup>7</sup>**

Тадбиркорлик фаоллиги потенциали						
Туман (шаҳар)лар	Ҳар минг кишига тўғри келадиган КБС сони	Жон бошига КБСнинг саноат маҳсулотлари	Жон бошига КБСнинг к/х маҳсулотлари	Жон бошига КБСнинг хизмат кўрсатиш хажми	Ўртача баҳо	Якуний баҳо кўрсаткичи
1	2	3	4	5	6	7
Ғузор	0,0601	0,0428	0,2286	0,1666	0,1245	0,1350
Деҳқонобод	0,2377	0,0756	0,3206	0,2631	0,2242	0,2729
Қамаши	0,1074	0,1025	0,1914	0,0691	0,1176	0,1254
Қарши т	0,2399	0,1001	0,2293	0,1408	0,1775	0,2083
Косон	0,1538	0,0923	0,1890	0,1363	0,1428	0,1604
Китоб	0,1086	0,1850	0,1872	0,1337	0,1536	0,1753
Миришкор	0,1185	0,6741	0,7544	0,3963	0,4858	0,6346
Муборак	0,3662	0,6336	1,0000	0,8633	0,7158	0,9527
Нишин	0,0316	0,5053	0,4036	0,3888	0,3323	0,4224
Касби	0,0029	0,0728	0,3224	0,1088	0,1267	0,1381
Чироқчи	0,0000	0,0000	0,1075	0,0000	0,0269	0,0000
Шахрисабз т	0,0053	0,1976	0,2140	0,1899	0,1517	0,1726
Яккабоғ	0,0886	0,1245	0,1508	0,1156	0,1199	0,1286
Қарши ш	1,0000	1,0000	0,0000	1,0000	0,7500	1,0000
Шахрисабз ш	0,5193	0,5263	0,0606	0,1866	0,3232	0,4098

**7-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг меҳнат ресурслари потенциалини баҳолаш натижалари<sup>8</sup>**

Меҳнат ресурслари потенциали				
Туман (шаҳарлар)	Жами меҳнат ресурслари таркибида банд бўлганлар улуши	Жами аҳоли сонида меҳнат ресурсларининг улуши	Ўртача баҳо	Якуний баҳо кўрсаткичи

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>
Ғузор	0,3925	0,2400	0,2967	0,2721
Дехқонобод	0,5678	0,2009	0,4057	0,4215
Қамаши	0,3495	0,2436	0,3269	0,3135
Қарши т	0,4293	0,3044	0,3567	0,3543
Косон	0,2100	0,2841	0,2386	0,1924
Китоб	0,3090	0,2671	0,3349	0,3245
Миришкор	0,6557	0,3608	0,8278	1,0000
Муборак	1,0000	1,0000	0,6088	0,6998
Нишон	0,3402	0,2176	0,3279	0,3149
Касби	0,1963	0,3156	0,0982	0,0000
Чироқчи	0,0000	0,0000	0,1033	0,0070
Шахрисабз т	0,0807	0,2066	0,1442	0,0631
Яккабоғ	0,4776	0,2077	0,4267	0,4502
Қарши ш	0,6342	0,3758	0,5594	0,6321
Шахрисабз ш	0,2829	0,4845	0,1414	0,0593

**8-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инфраструктура потенциалини баҳолаш натижалари<sup>9</sup>**

Инфраструктура потенциали						
Туман (шаҳар)лар	Худуднинг боғланганлиқ даражаси	Газ тармоғи билан таъминланиши	Ичимлик суви билан таъминланши	Канализация билан таъминланган	Ўртача баҳо	Якуний баҳо кўрсаткичи
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>
Ғузор	0,4605	0,03506	0	0,0325	0,1320	0,0344
Дехқонобод	0,3911	0,01493	0,02286	0,0000	0,1072	0,0000
Қамаши	0,5325	0,00878	0,6077	0,0618	0,3027	0,2715
Қарши т	0,8257	0,05716	0,86282	0,1447	0,4726	0,5075
Косон	0,7645	0,03165	0,28761	0,0846	0,2921	0,2568
Китоб	0,3152	0,00040	0,70277	0,0520	0,2676	0,2228
Миришкор	0,5774	0,01404	0,59928	0,0016	0,2981	0,2651
Муборак	0,5260	0,02195	0,84477	0,0748	0,3669	0,3607
Нишон	0,4249	0,00776	0,85319	0,0455	0,3328	0,3134
Касби	1,0000	0,01798	0,73767	0,0569	0,4531	0,4805
Чироқчи	0,4918	0,00963	0,61492	0,0504	0,2917	0,2563
Шахрисабз т	0,4600	0,01772	0,61492	0,0862	0,2947	0,2604
Яккабоғ	0,7612	0,00000	0,93622	0,0732	0,4426	0,4659
Қарши ш	0,3084	1,00000	1	1,0000	0,8271	1,0000
Шахрисабз ш	0,0000	0,21472	0,62696	0,9268	0,4421	0,4652

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

**9-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шахар)ларининг табиий-географик потенциалини баҳолаш натижалари<sup>10</sup>**

Табиий-географик потенциал					
Туман (шахар)лар	Худуд марказидан ташки савдо учун энг яқин дengиз портигача бўлган масофа	Хом-ашё минерал ресурслари	Кишлоқ хўжалиги ер майдони	Ўртacha баҳо (0.1 * 2 қт + 0.6 * 3 қт + 0.3 * 4 қт)	Якуний баҳо кўрсатк ичи
1	2	3	4	5	6
Ғузор	0,67	0,020075	0,9834	0,37407	0,4473
Дехқонобод	0,2	1	0,6795	0,823846	1,0000
Қамаши	0,5	0,011469	0,7932	0,294833	0,3500
Қарши т	0,72	0,0221	0,7967	0,324258	0,3861
Косон	0,8	0,011125	0,8606	0,344855	0,4114
Китоб	0	0,219171	0,6500	0,32651	0,3889
Миришкор	0,85	0,00001	1,0000	0,385006	0,4608
Муборак	1	0,000121	0,9564	0,387001	0,4632
Нишон	0,7	0,022167	0,8291	0,332045	0,3957
Касби	0,9	0,003744	0,7808	0,326491	0,3889
Чироқчи	0,4	0,025496	0,9549	0,341754	0,4076
Шахрисабз т	0,1	0,018558	0,6946	0,229501	0,2697
Яккабоғ	0,2	0,013393	0,8249	0,275495	0,3262
Қарши ш	0,75	0	0,2744	0,157312	0,1810
Шахрисабз ш	0,1	0	0,0000	0,01	0,0000

**10-жадвал. Қашқадарё вилояти туман (шахар)лари инвестицион потенциал омилларининг солиштирма баҳолаш<sup>11</sup>**

Туман (шахар)лар	Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали	Инвестицион фаоллик потенциали	Молиявий потенциал	Ташки иқтисодий фаоллик потенциали
Ғузор	0,2015	0,1850	0,6041	0,4487
Дехқонобод	0,0408	0,0837	0,6265	0,3062
Қамаши	0,1063	0,0748	0,0052	0,0000
Қарши т	0,1743	0,1876	0,0000	0,6830
Косон	0,2006	0,0751	0,1906	0,0539
Китоб	0,1281	0,2146	0,1558	0,1314
Миришкор	0,3729	0,0803	0,4609	0,1036

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Муборак	1,0000	0,2011	1,000	0,6055
Нишон	0,2703	1,0000	0,3628	0,0335
Қасби	0,1554	0,4808	0,1631	0,4650
Чироқчи	0,0421	0,0161	0,0934	0,0957
Шахрисабз т	0,1821	0,0269	0,1641	0,0129
Яккабоғ	0,0824	0,0570	0,1877	0,0442
Қарши ш	0,5076	0,5578	0,9435	1,0000
Шахрисабз ш	0,000	0,0000	0,6429	0,1431
Туман (шахар) лар	Тадбиркорлик фаоллиги потенциали	Мехнат ресурслари потенциали	Инфраструктура Потенциал	Табиий географик потенциал
Ғузор	0,1350	0,2721	0,0344	0,4473
Дехқонобод	0,2729	0,4215	0,0000	1,0000
Қамаши	0,1254	0,3135	0,2715	0,3500
Қарши т	0,2083	0,3543	0,5075	0,3861
Косон	0,1604	0,1924	0,2568	0,4114
Китоб	0,1753	0,3245	0,2228	0,3889
Миришкор	0,6346	1,0000	0,2651	0,4608
Муборак	0,9527	0,6998	0,3607	0,4632
Нишон	0,4224	0,3149	0,3134	0,3957
Қасби	0,1381	0,0000	0,4805	0,3889
Чироқчи	0,0000	0,0070	0,2563	0,4076
Шахрисабз т	0,1726	0,0631	0,2604	0,2697
Яккабоғ	0,1286	0,4502	0,4659	0,3262
Қарши ш	1,0000	0,6321	1,0000	0,1810
Шахрисабз ш	0,4098	0,0593	0,4652	0,0000

11-жадвал. 2019 йил якунлари бўйича Қашқадарё вилояти туман (шахар)ларининг инвестицион потенциали омиллари бўйича гурухланиши<sup>12</sup>

Инвестицион потенциал кўрсаткичлари	Юқори инвестицион потенциал	Ўрта инвестицион потенциал	Қуий инвестицион потенциал
Иқтисодий ривожланиш ва самарадорлик потенциали	Муборак, Қарши ш, Миришкор, Нижон, Ғузор	Косон, Шахрисабз, Қарши, Қасби, Китоб	Қамаши, Яккабоғ, Чироқчи, Дехқонобод, Шахрисабз шахри
Инвестицион фаоллик потенциали	Нижон, Қарши ш, Қасби, Китоб, Муборак	Қарши, Ғузор, Дехқонобод, Миришкор, Косон	Қамаши, Яккабоғ, Шахрисабз, Чироқчи, Шахрисабз ш
Молиявий потенциал	Муборак, Қарши ш, Шахрисабз ш, Дехқонобод, Ғузор,	Миришкор, Нижон, Косон, Яккабоғ, Шахрисабз,	Қасби, Китоб, Чироқчи, Қамаши, Қарши
Ташқи иқтисодий фаоллик потенциали	Қарши ш, Қарши, Муборак, Қасби, Ғузор	Дехқонобод, Шахрисабз ш, Китоб, Миришкор,	Косон, Яккабоғ, Нижон, Шахрисабз, Қамаши

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан хисобланган.

		Чироқчи	
Тадбиркорлик фаоллиги потенциали	Қарши ш, Муборак, Миришкор, Нишон, Шахрисабз ш,	Дехқонобод, Қарши, Китоб, Шахрисабз, Косон,	Касби, Ғузор, Яккабоғ, Қамаши Чироқчи
Мехнат ресурслари потенциали	Миришкор, Муборак, Қарши ш, Яккабоғ, Дехқонобод	Қарши, Китоб, Нишон, Қамаши, Ғузор	Косон, Шахрисабз, Шахрисабз ш, Чироқчи, Касби
Инфратузилма потенциали	Қарши ш, Қарши т, Касби, Яккабоғ. Шахрисабз ш	Муборак, Нишон, Қамаши, Миришкор, Шахрисабз	Косон, Чироқчи, Китоб, Ғузор, Дехқонобод
Табиий-географик потенциал	Дехқонобод, Муборак, Миришкор, Ғузор, Косон	Чироқчи, Нишон, Китоб, Касби, Қарши	Қамаши, Яккабоғ, Шахрисабз, Қарши ш, Шахрисабз ш

**12-Жадвал. 2019 йил якунлари бўйича Қашқадарё вилояти туман (шаҳар) ларининг  
инвестиция потенциали даражаси бўйича гурухланиши<sup>13</sup>**

Туман (шаҳар)лар	Инвестция потенциалининг якуний баҳо кўрсаткичи
<b>1-гурух –юқори потенциалга эга худуд</b>	
Қарши ш	0,677219
Муборак	0,597025
Нишон	0,445306
Миришкор	0,37419
Касби	0,317207
<b>2-гурух –ўрта потенциалга эга худуд</b>	
Дехқонобод	0,313034
Қарши т	0,309809
Ғузор	0,26483
Китоб	0,223162
Яккабоғ	0,213661
<b>3-гурух –қуий потенциалга эга худуд</b>	
Косон	0,197191
Шахрисабз ш	0,17631
Қамаши	0,164047
Шахрисабз т	0,147712
Чироқчи	0,125835

**Табиий-географик** омиллар бўйича Дехқонобод, Муборак, Миришкор,  
Ғузор, Косон туманларининг юқори потенциалга, Қамаши, Яккабоғ,

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шахрисабз туманлари, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг паст потенциалга эга эканлиги кузатилган.

Инвестицион потенциални баҳолаш натижаларига кўра, юқори инвестицион фаолликка эга эканлиги, бой табиий ресурсларнинг мавжудлиги, қулай географик жойлашув, иқтисодий ривожланиш ва самарадорликнинг юқорилиги ва инфраструктура обьектларининг ҳолатидан келиб, Қарши шаҳри, Муборак, Нишон, Миришкор ва Касби туманлари юқори инвестицион потенциалга эга ҳудудлар сафига киритилди (12-жадвал).

Дехқонобод, Қарши, Ғузор, Китоб, Яккабоғ туманлари вилоят ҳудудлари орасида ўрта потенциалга, Косон, Шахрисабз шаҳри, Қамаши, Шахрисабз, Чироқчи туманлари туманлари вилоятдаги энг паст инвестицион потенциалга эга бўлган ҳудудлар орасида қайд этилди.

Вилоят ҳудудлари орасида энг кўп ахоли (401.2 минг киши) га эга бўлган Чироқчи туманининг инвестицион потенциални ифодалувчи 9 та иқтисодий қўрсаткич (жами 29 та қўрсаткич) бўйича вилоят ҳудудлари орасида энг қуии поғонада жойлашганлиги, маҳаллий давлат хокимият вакилларидан инвестицион потенциални ошириш, иқтисодий ривожланиш қўрсаткичларини яхшилаш бўйича кескин чораларни амалга оширишни талаб этади. Саноат, хизмат қўрсатиш, туризм соҳалари бўйича катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, қуии потенциалга эга ҳудуд сифатида қайд этилган Шахрисабз инвестицион фаоллигини ошириш талаб этилади.

## **ХУЛОСА**

Ушбу тадқиқотлар асосида 2019 йилги қўрсаткичлар асосида Қашқадарё вилояти туман (шаҳар)ларининг инвестицион потенциали 8 та гуруҳ омиллар ва 29 та та иқтисодий қўрсаткичлар асосида баҳоланди. Баҳолаш натижаларига кўра, Қарши шаҳри, Муборак, Нишон, Миришкор ва Касби туманлари юқори инвестицион потенциалга, Дехқонобод, Қарши, Ғузор, Китоб, Яккабоғ туманлари вилоят ҳудудлари орасида ўрта потенциалга, Косон, Шахрисабз шаҳри, Қамаши, Шахрисабз, Чироқчи туманлари туманлари вилоятдаги энг паст инвестицион потенциалга эга бўлган ҳудудлар орасида қайд этилди.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётiga хорижий инвестицияларни жалб қилиш қилиш ҳажмини ошириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги вазифаларни ошириш талаб этилади:

-хорижий инвесторларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда туман (шаҳар) нинг инвестицион потенциалини тўлиқ ўзида акс эттирган кўп тилли инвестиция паспортини ишлаб чиқиш ва ушбу инвестиция паспортларини маҳаллий давлат хокимияти органларининг маҳсус порталлари ва веб-сайтларида жойлаштириб, маълумотларни ҳар чорақда ёки ҳар йили мунтазам янгилаб бориш;

-хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан ишлашда қулайлик яратиш мақсадида вилоятда “лойиҳалар фабрикаси”ни яратишга мўлжалланган алоҳида марказ ташкил этиш ва ушбу марказда ҳар бир туман (шаҳар)нинг инвестицион потенциалидан келиб чиқсан ҳолда, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни белгилаб берувчи истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиши;

-ҳар йил якуни бўйича туман (шаҳар)ларнинг инвестицион потенциалини баҳолаш ишларини ташкил қилиш ва шу асосда маҳаллий ҳокимият идораларининг фаолиятига баҳо бериш тизимини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-508 б.
2. Е.Абрамов. (2005). Инвестиционные фонды: Доходность и риски, стратегии управлением, объекты инвестирования в России. Москва: Альпина Бизнес Бокус.
3. С.Зенченко, М.Шемёткин. (2007). Инвестиционный потенциал региона. Сб. науч.трудов, Серия "Экономика". №6, 45-53.
4. С. Березнов, О.Шевелева, М. Начева. (2011). Оценка инвестиционного потенциала региона. Экономический анализ:теория и практика, 15-24.
5. Kharlamova, G. (2014). Investment attractiveness of Ukrainian regions:rating assessment and marketing promotion. Journal of Internatioanal Studies. Vol.7, No 1., 9-26.
6. Ш.Мустафақулов. (2017). Инвестицион мухит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Тошкент: Маънавият.
7. Б.Валиев. (2016). Оценка инвестиционного потенциала регионов на примере Республики Узбекистан. Региональная экономика: теория и практика, 111-130.
8. J. Bruneckiene and et. (2019). Assessment of Investment Attractiveness in European Countries by Artificial Neural Networks: What Competences are Needed to Make a Decision on Collective Well-Being? Sustainability. Vo.11(6892), 2-23.
9. И.Пугач. (2002). Экономические развити и инвестиционный потенциал регионов Узбекистана в 2001 году. Экономические обозрение, 12-30.
10. Б.Беркинов, К.Хасанов. (2014 йил март-апрел). Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибадорлик рейтинги. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали (№2), 1-9.
11. Ш.Назаров. (2016). Ўзбекистон минтақаларининг рақобатбардошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Тошкент: ТДИУ.

12. А.Қобилов. (2020). Қашқадарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 3, июнь, 1-13.
13. Kobilov, A. and et. (2020). The Impact of Investment on the Economic Development of Uzbekistan. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. Volume 12, Issue 7 Special Issue, 2008-2015. <https://doi.org/10.5373/jardcs/v12sp7/20202317>
14. Kobilov, A., & Kurbonov, O. (2020). A Multi-Criteria Decision-Making Model for Evaluating Priorities for Foreign Direct Investment in Kashkadarya Region. International Journal of Social Science and Economics Invention, 6(07), 310-315. <https://doi.org/10.23958/ijssci/vol06-i07/220>
15. Л.Сошникова ва бошқ. (1999). Многомерный статический анализ в экономике. Москва: ЮНИТИ-ДАНА.